



2017 у.г. «23» март № 639-к Самарқанд т. – р. Самарқанд

Фуқаро Холиков Ахмад Жалиловичга тумандаги Қайнама қишлоқ фуқаролар йиғини Ф.Қосимова агротехсервис агрофирмаси Миришкор массиви намунавий уй-жойлар худудидан эҳтиёт қисимлар сотиш дўкони ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Самарқанд вилоят ҳокимлиги танлов комиссиясининг 2017 йил 28 январдаги 03/3-54-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботлари ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган танлов савдолари юзасидан” 1-сонли баённомасини инobatга олиб, танлов голиби Холиков Ахмад Жалилович туман ҳокими билан тузилган танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисидаги шартномасини инobatга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд вилоят ҳокимлиги танлов комиссиясининг 2017 йил 28 январдаги 03/3-54-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботлари ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган танлов савдолари юзасидан” 1-сонли баённомаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Танловга қўйилган 10-сон ер майдонининг голиби фуқаро Холиков Ахмад Жалилович бўлганлиги сабабли тумандаги Қайнама қишлоқ фуқаролар йиғини Ф.Қосимова агротехсервис агрофирмаси Миришкор массиви намунавий уй жой худудидан эҳтиёт қисимлар сотиш дўкони ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун 336,0 м.кв қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ер майдони ажратилсин.

3. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З.Олимов)га, туман “Ермулккадастр” давлат корхонаси (Т.Шаропов)га, туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қаршиев)га, “Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини (М.Пулатов)ларига тасдиқланган бош режа асосида танлов голибига ер майдонларини ўлчаб бериш, туман ер балансига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда ер ўлчаб бериш далолатномасини туман ҳокимлигига тақдим этиш вазифаси топширилсин.